2013 йил 16 сентябрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 186 (12.497)

Баҳоси эркин нархда

# ШҲТНИНГ БИШКЕК САММИТИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12-13 сентябрь кунлари Бишкекда ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.**

Саммитнинг асосий тадбирлари 13 сентябрь куни бўлиб ўтди. ШҲТга аъзо Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шунингдек, ШҲТни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти амалий мулоқот ва минтақавий ҳамда глобал муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларини биргаликда топиш учун қулай имконият экани таъкидланди.

Ташкилотга аъзо давлат раҳбарлари мажлисни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Уларга кузатувчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қўшилди.

Халқаро муносабатларда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, замонавий сиёсат ва иқтисодиётнинг бугунги ҳолатига жиддий таъсир кўрсатаётган шиддатли жараёнлар рўй бераётгани қайд этилди. Глобал хавф ва таҳдидларга қарши биргаликда самарали курашиш, ШҲТ маконида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш вазифалари устувор аҳамият касб этмоқда.

ШҲТга аъзо давлатлар халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган хавфларга қарши фаол ҳамда изчил курашмоқда. Ушбу соҳалардаги ҳамкорликнинг норматив базасини янада такомиллаштиришни қўллаб-қувватламоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқида мажлис иштирокчилари эътиборини Сурия ва Афғонистонда рўй бераётган воқеаларга қаратди. Хунрезликлар Суриядан ташқарига ёйилишига йўл қўймаслик даркор. Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан бартараф этиб бўлмайди, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва қарама-қарши кучларнинг муросага келишига эришиш бу борадаги ягона тўғри йўлдир. Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларни фақат икки томонлама асосда йўлга қўяди.

Ўзбекистон раҳбари йирик қўшма лойиҳаларни, айниқса, транспорт-коммуникация соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ШҲТ Тараққиёт жамғармаси ва Ривожланиш банкини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. Ислом Каримов Оролбўйи минтақасида мураккаб экологик вазият юзага келганини қайд этар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ўртасида ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш, экологик муаммоларни ҳал этишда ШҲТ салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Саммит иштирокчилари миллий иқтисодиётларни янада модернизация қилиш, инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, транспортда ташиш, коммуникациялар, инновацион технологиялар, агросаноат соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. ШҲТ маконида яшаётган халқлар манфаати йўлида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий яқинлик, маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий-техник ва маданий-гуманитар, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича қабул қилинган Бишкек декларациясида амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид асосий ёндашувлар, кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун барча саъй-ҳаракатларни йўналтиришга қаратилган муштарак интилишлар ўз ифодасини топган.

Давлат раҳбарлари ШҲТга аъзо мамлакатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган ҳаракат режасини имзоладилар.

Саммитда ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги иштироки доирасида давлатимиз раҳбари ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг учрашуви бўлди.

Икки давлат раҳбарлари ШҲТ саммитини юксак савияда тайёрлаш ва ўтказиш борасида Қирғизистон томони амалга оширган саъй-ҳаракатлар хусусида фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов давлат раҳбарлари даражасида имзолаш учун тайёрланган ШҲТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши муҳим эканлигини таъкидлади.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликка доир масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, икки томонлама транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантиришга қаратилган аниқ таклиф ва чора-тадбирларни муҳокама қилдилар.

Чегара ҳудудларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар учун шароитларни яхшилаш, шунингдек, икки давлатнинг яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантиришга бевосита дахлдор бўлган бошқа масалалар юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Бухорода «Келажак овози – 2013» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловнинг туман ва шаҳар босқичида иштирок этган 6 минг 157 нафар йигит-қиз орасидан 43 нафари ғолиб деб топилди.**

**• Наманган вилояти Норин туманида туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, прокуратура, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда туманда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд беш юздан ортиқ бўш иш ўрнини таклиф қилди. Ярмаркада 201 нафар йигит-қиз ўзининг лаёқати, қизиқиши ва мутахассислиги бўйича «Норинтекс», «Клайна текстиль» каби корхоналар ҳамда бошқа ташкилот ва муассасаларда иш бошлаш учун йўлланма олди.**

**• Қарши тиббиёт коллежида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик каби иллатларни бартараф этишнинг самарали йўллари мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

**• Навоий шаҳрида «Экология ва ёшлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмалари, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, адлия бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда талаба ва ўқувчи-ёшлар, йирик саноат ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари иштирок этди.**

**• Амударё туманида йилига 600 тонна синтетик кир ювиш кукуни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Манғит грант медиа» масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди. Натижада етти нафар ёшлар доимий иш билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

**• Жанубий Корея маъмурияти Япониянинг саккизта музофоти, жумладан Фукусимадан балиқ ва балиқ маҳсулотлари импортини вақтинча чеклади. «Фукусима-1» атом электр станциясидан денгиз сувига радиоактив модда сизиб чиқаётгани боис балиқлар зарарланган бўлиши эҳтимоли мавжудлиги бунга сабаб бўлди. Япониянинг бошқа музофотларидан Жанубий Кореяга келтирилаётган балиқ маҳсулотлари назорати ҳам кучайтирилади.**

**• БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги кенгашида 6 апрелни «Халқаро спорт куни» деб эълон қилиш ҳақидаги резолюция қабул қилинди. Ассамблея давлатлар, БМТ тизими, турли халқаро, ҳудудий ва миллий ташкилотларга Халқаро спорт кунини ўтказиш бўйича ҳамкорлик қилишни таклиф этди.**

**• Озгина танаффусдан сўнг ўтган йили Голландиядаги музейдан жаҳонга машҳур мўйқалам усталарининг ноёб асарларини ўғирлаган жиноятчилар устидан ўтказилаётган суд жараёни яна бошланди. Ушбу оламшумул ўғирлик ташкилотчиси ўғирланган суратларнинг қаерга яширилганини айтаётгани йўқ. Таъкидлаш жоизки, ўғирланган ноёб суратлар орасида Пикассо ва Моне ижодига мансуб бебаҳо асарлар ҳам бор.**

# ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ХОРИЖЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

***Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, академик ва ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.***

***Кўпгина эксперт ва кузатувчиларнинг фикр билдиришича, ХХР раҳбари ташрифининг якунлари Ўзбекистон – Хитой муносабатларида муҳим босқич бўлиб қолгани ҳолда, замонавий ривожланишнинг қатор долзарб йўналишлари бўйича икки мамлакатнинг қарашлари яқин эканлигини яна бир бор намойиш қилди.***

**Д.Шаде, Европада прогноз ва хавфсизлик таҳлили институти тадқиқотчиси:**

— Хитой раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи муҳим воқеа ҳисобланади ва у Пекиннинг Марказий Осиёга ўз ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири сифатида, Ўзбекистонга эса минтақада унинг иштирокисиз ҳаётий муҳим қарорлар қабул қилинмайдиган стратегик давлат сифатида қарашини кўрсатади.

Олий даражадаги мазкур ташрифнинг муҳимлигини Хитойнинг Ўзбекистон билан иқтисодий мулоқотни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бўлган интилиши тасдиқлайдики, ушбу мулоқот Си Цзиньпиннинг «Буюк Ипак йўли иқтисодий камари» ғоясига асослангандир. Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатларнинг салмоқли тўплами Ўзбекистоннинг Хитой ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутишини кўрсатади.

Ўзбекистон геосиёсий жойлашуви ҳамда узоқни кўра оладиган стратегияси нуқтаи назаридан минтақада ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги фаол ҳамда конструктив шериклик мулоқоти томонлар манфаатларига мувофиқ келади. Чунки бундай мулоқот, умуман олганда, барқарор минтақани шакллантириш учун ҳаётий муҳим аҳамият касб этади.

**П.Морвиж, Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ):**

— ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Тошкентга давлат ташрифи Хитой – Ўзбекистон икки томонлама муносабатлари изчил ўсувчанлигини яна бир карра тасдиқлади.

Хитой ва Ўзбекистон стратегик шерик мамлакатлар ҳисобланадики, савдо-иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик кўламлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида умумбашарий аҳамиятга эга бўлган энг долзарб масалалар юзасидан келишмовчиликлар йўқ.

Энг муҳими шундаки, ҳамкорлик ўзаро манфаатли асосда амалга оширилмоқда — у ҳар икки мамлакат манфаатларига жавоб беради. Ташриф якунлари бўйича умумий қиймати 15 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорга тенг бўлган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни кўзда тутувчи 31 та ҳужжат имзоланди. Бу ХХР ва Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятларига мос келадиган даражага чиқиш учун муштарак интилишнинг мавжудлигидан далолат беради.

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози – 2013» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***




«Келажак овози — 2013»

# ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бошқаруви раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда билимли, юқори салоҳиятли ва маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, ҳар томонлама соғлом ёшларни вояга етказишга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бу жараёнда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва қатор бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида 2005 йилдан буён ўтказилаётган «Келажак овози» республика кўрик-танлови илм-фан, ҳунармандлик ва санъатнинг турли йўналишларига меҳри баланд ёшларнинг истеъдод ва интилишларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Танлов ғолиблари жамоатчилик кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Танлов доирасида ўтказилаётган маҳорат сабоқлари, медиа-оромгоҳлар, илмий-маърифий анжуманлар, кўргазма ҳамда семинарлар ижодкор ёшларнинг билим ва малакасини ошириш, уларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига хизмат қилмоқда. Танловда 15-25 ёшли йигит-қизлар тасвирий ва амалий санъат, архитектура ва интерьер, шаҳарсозлик ва ландшафт дизайни, либослар дизайни каби йўналишларда ўз истеъдодини намойиш этади.

Бу йил танловда иштирок этиш учун мамлакатимиз ёшларидан ҳар қачонгидан кўпроқ – 84 минг 326 ариза тушган. Жумладан, ижодий беллашувнинг Тошкент шаҳар босқичида 14,5 минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди. Улардан 45 нафари «Келажак овози – 2013» мега-лойиҳасининг мамлакат босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Танловнинг ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар номинацияси ғолиби, Юнусобод туманидаги машинасозлик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Жавоҳир Зиёмуҳаммедов машинасозликда қўлланиладиган полимер материалларнинг чидамлилигини кучланиш релаксацияси орқали баҳолашга оид лойиҳани тақдим этди.

– Мамлакатимизда биз, ёшларнинг ўз илмий-ижодий салоҳиятимизни намойиш этишимиз учун барча шароит ва имкониятлар яратилган, – дейди Жавоҳир. – Бугун ҳар бир тенгдошим ўзининг эзгу орзу-интилишларини юзага чиқаришида бундай танловлар, ижодий лойиҳаларнинг аҳамияти ғоят беқиёс. Буларнинг барчаси Ватанимиз, халқимиз, меҳридарё устозлар, ота-онамиз, Президентимиз олдидаги масъулиятни теранроқ англашга даъват этади.

Тадбирда ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ХОРИЖЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу ўринда самарали макроиқтисодий сиёсати туфайли Ўзбекистон ва Хитой жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан энг кам зарар кўрган ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини таъминлашга муваффақ бўлган давлатлар сирасига киришини алоҳида қайд этиш керакки, зеро дунёда бундай мамлакатлар кўп эмас.

Таъкидлаш жоиз, Пекин ва Тошкент ўртасидаги икки томонлама муносабатлар азалий дўстлар ҳамда вақт синовидан ўтган стратегик ҳамкорларнинг очиқ ва ишончли мулоқоти ҳисобланади. Икки халқ маданий-гуманитар қадриятларининг бир-бирига яқинлиги ҳамда умумий тарихий муштаракликларнинг мавжудлиги том маънодаги дўстона ва ўзаро ишончли муносабатларни қўллаб-қувватлаш учун муҳим омилдир.

**Э.Ролан, Франция сиёсий ва халқаро муносабатлар марказининг етакчи эксперти:**

— ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Марказий Осиёдаги энг барқарор ривожланаётган давлатга буюрган мазкур ташрифи, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бўлиб ўтган конструктив музокаралари ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатдан кенгайтириш нуқтаи назаридан фавқулодда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон – Хитой икки томонлама алоқаларида кузатилаётган фаоллик ҳам сиёсий, ҳам савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Шуни қайд этиш керакки, ташриф якунлари бўйича эришилган натижалар ҳамда қатор муҳим сиёсий ҳужжатларнинг имзоланиши Пекиннинг минтақанинг стратегик жиҳатдан муҳим мамлакати билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга бўлган қизиқишини яққол кўрсатади.

**Дато Юсуф Хашем, «Глобалист» журнали муҳаррири ва ношири (Малайзия):**

— Си Цзиньпиннинг Хитой раҳбари сифатида Ўзбекистонга буюрган биринчи давлат ташрифи муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Стратегик ҳамкор мамлакатлар бўлган Ўзбекистон ва Хитой кўпгина халқаро масалаларнинг ҳал этилиши борасида ўхшаш ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган нуқтаи назарларга эга бўлишгани баробарида, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши сингари замонавий таҳдидларга қарши курашда ҳамкорлик қилмоқда.

2014 йили АЙСЕФ халқаро ҳарбий контингентининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши олдинда турганини ҳамда бу мамлакат ҳудудидаги қўшни давлатлар хавфсизлигига таҳдид соладиган ислом радикал ташкилотлари ва террорчи тизимлар фаоллашувининг эҳтимоли муносабати билан хавфсизлик соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик алоҳида долзарблик касб этади.

ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик икки томонлама яқин алоқаларнинг салмоқли таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар икки давлат Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақиятли ривожланиши ҳамда унинг ишида фаол қатнашишга алоҳида аҳамият қаратади. ШҲТ йўналишидаги ҳамкорлик бугунги кунда минтақада ва умуман, бутун дунёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш ишида муҳим омил бўлмоқда.

**Макс Сей, Осиё стратегия ва лидерлик институти вице-президенти (Малайзия):**

— Хитойнинг Ўзбекистон билан алоқалари ривожланишидаги изчиллик мазкур давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг барқарор ўсувчан эканлигидан далолат беради. Хитой томони Ўзбекистон билан юқори даражадаги мулоқотни қўллаб-қувватлашдан манфаатдордир. Чунки Ўзбекистон нафақат минтақада, балки унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам геосиёсий вазиятнинг ривожланишида муҳим ўрин тутадики, Марказий Осиёдаги ҳолат дунёдаги кўпгина мамлакатларида, жумладан, йирик давлатларда ҳам сиёсатнинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади.

Менинг фикримча, Ўзбекистон раҳбариятининг инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган, яъни айнан сармоялари қўшимча иш ўринларини яратишга, янги замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда ўз маҳсулотини жаҳон бозорларига экспорт қилиш учун шароитларни кенгайтиришга имкон берадиган мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик сиёсати тўғри сиёсат ҳисобланади. Шу маънода, Хитой тажрибаси Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун фойдали бўлиши мумкин.

**Фахад аль-Мекрад, сиёсатшунос (Кувайт):**

— Хитой – ишончли ва прагматик шерик ҳисобланадики, у биринчи навбатда савдо-иқтисодий, сармоявий алоқаларни ривожлантиришни кўзлайди. Пекиннинг ташқи сиёсати ҳам, энг аввало, айнан ана шундай вазифаларнинг ҳал этилишига қаратилган.

Ўзбекистон катта ва хилма-хил табиий ресурсларга, ривожланган индустрияга ҳамда яхши интеллектуал салоҳиятга эгадир. Мен Ўзбекистоннинг тинчликсевар ва чуқур ўйланган ташқи сиёсатини юқори баҳолайман. Айнан Президент Ислом Каримов томонидан тўғри танланган ташқи сиёсий йўл туфайли мамлакат халқаро ҳамжамият субъектлари ўртасида катта обрў ва ҳурмат қозонгани баробарида, дунёнинг кўплаб мамлакатлари, шу жумладан, ХХР билан ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда.

Шуни ҳам қайд этишни истардимки, Ўзбекистоннинг Хитой билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан бориши катта истиқболларга эгадир, чунки Ўзбекистон – Хитой муносабатлари ўзаро манфаатдорлик хусусиятига ҳамда бошқа дўстона ва чуқур тарихий алоқаларга асослангандир.

**Ванг Синлонг, «China Cotton Industries LTD» компанияси президенти (ХХР):**

— Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган ягона давлат ҳисобланади. Унда катта транзит, саноат, юқори малакали кадрлар салоҳияти, стратегик аҳамиятга молик фойдали қазилмалар ва табиий ресурслар мавжуд.

Хитой, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиши мумкин бўлган замонавий технологиялар ва сармояга эга.

Ишончим комилки, Хитой ва Ўзбекистоннинг молия институтлари ҳамда йирик компаниялари ўртасида имзоланган сармоявий ҳамкорлик бўйича битимлар иқтисодиёт ва инвестициялар жабҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини беради.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиётни, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва телекоммуникацияларни биргаликда ривожлантириш зарурлиги юзасидан умумий тушунча мавжуд.

«Жиззах» махсус индустриал зонаси доирасида давлатларимиз раҳбарларининг ташаббуси билан ташкил этилган юқори технологиялар саноат парки икки томонлама сармоявий ҳамкорликнинг кенгайишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Чунки у ерда хориж корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур инфратузилма ва қулай сармоявий муҳит яратилгандир.

**«Жаҳон» АА**

# ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

***Япония пойтахти Токио шаҳрида 12 сентябрь куни очилган «JATA Tourism Forum & Travel Showcase – 2013» халқаро сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилмоқда.***

Ўзбекистон сайёҳлик ва тарихий жойлар сони бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда сайёҳларнинг қизиқиш ва талабларига жавоб берадиган шарт-шароит яратилиб, саёҳат йўналишлари тобора кенгаймоқда. Жумладан, мамлакатимизда тарихий-меъморий, сафари, рафтинг, экотуризм, археологик, фольклор-этнографик, агротуризм, спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий сайёҳлик турлари изчил ривожланмоқда.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга кенг танитиш мақсадида қатор халқаро компаниялар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Дунё миқёсидаги кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. Японияда ўтказилаётган сайёҳлик кўргазмаси Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини тўла намойиш этиш учун яна бир қулай имкониятдир.

«JATA Tourism Forum & Travel Showcase» дунёдаги нуфузли халқаро кўргазмалардан ҳисобланади. 1977 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу халқаро сайёҳлик форумида бу йил 150 дан ортиқ мамлакатдан мингдан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этмоқда. Мазкур тадбир сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда бизнес, экзотика, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соғломлаштириш каби йўналишларга оид ўнлаб турдаги бўлимлар иш олиб бораётир.

«Ўзбектуризм» компаниясидан маълум қилишларича, кўргазмада Ўзбекистон миллий стенди ўзининг бетакрор дизайни билан иштирокчилар ва мутахассислар эътиборини тортмоқда. Мамлакатимизнинг гўзал масканлари ва тарихий обидалари тасвирланган, миллий матолар ва атрибутлар билан безатилган стенд юртимиз ҳақида ёрқин тасаввур уйғотади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Нукус, Андижон каби шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар, буклет ва нашрлар ярмарка иштирокчилари эътиборига ҳавола этилган. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари кўргазма қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

«JATA Tourism Forum & Travel Showcase – 2013» халқаро сайёҳлик кўргазмасида «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» компаниялари каби ташкилотлар иштирок этмоқда.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

«Камолот»

# ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЕТАКЧИЛАР САЙЛАНАДИ

***Мамлакатимизда 2001 йил 21 апрель куни таъсис қурултойи қарори билан ўз олдига ёшларни бирлаштириш, уларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш ўғил-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиб беришни мақсад қилган ташкилотлардан бири «Камолот» ЁИҲ ташкил топган эди.***



Мазкур ҳаракат бугунги кунда республика миқёсидаги йирик ташкилот сифатида шаклланиб, ўзининг атрофига миллионлаб соғлом фикрга эга ёшларни бирлаштирди ва уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шаҳримиз туманлари орасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши ҳам ўз атрофига кўплаб ёшларни жалб этган ҳолда фаол фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бу барчада ҳаракатнинг асоси бўлган бошланғич ташкилотларнинг ҳам ўрни салмоқли.



– Бугунги кунгача бизнинг ташкилотда ўғил-қизларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатнинг бевосита ташкилотчилигида ёшларнинг турли муаммоларини ечиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилган ўнлаб кўрик-танловлар, конференциялар, семинар ва спорт мусобақалари муваффақият билан ўтказиб келинмоқда, – дейди «Камолот» ЁИҲ Олмазор туман Кенгаши раиси ўринбосари Шукурулло Анваров. – Баркамол ёшларимиз Ватанимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишларида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Низомига асосан, ҳаракатнинг ҳисобот-сайлов конференциялари ҳар 2,5 йилда камида бир марта чақирилади. Жорий йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман (шаҳар), вилоят бўлимларининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтади. Мазкур ижтимоий тадбирлар ҳаракатнинг фаолиятида, жамиятимизнинг илғор вакиллари бўлган ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

– «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан жорий йилнинг 11 сентябрь куни тумандаги барча умумтаълим мактабларида анжуманлар ташкил этилган бўлса, 17 сентябрь куни касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда, октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотларда умумий ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтиши белгиланган, – сўзида давом этади Шукурулло Анваров. – Ҳисобот-сайлов йиғилишларида мустақил фикрга эга бўлган, ижтимоий фаол ва ташаббускор етакчилар сайланиши кутилмоқда. Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлардаги умумий ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан туман ишчи гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда анжуманларни юқори савияда ташкил этиш масалалари, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, фаол ва ташаббускор энг муносиб етакчиларни сайлаш кераклиги, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган кўплаб масалалар кўрилиб, аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**Нилуфар ҚАЮМОВА**

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ижтимоий шериклик ва жамоат назоратини кучайтириш масалаларига бағишланган видеомулоқот ўтказди.***

2013 йил — Обод турмуш йили

# ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

Он-лайн мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги хотин-қизлар қўмиталари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, шифокорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш, хотин-қизлар учун муносиб турмуш ва меҳнат шароитини яратиш, уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳам қатор лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.

Жумладан, Хотин-қизлар қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамкорлигида жорий йилнинг етти ойи мобайнида тиббий-ижтимоий патронаж хизматлари томонидан 70 минг 380 нафардан ортиқ аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди.

Қизларни эрта турмушга узатиш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтиришга оид қарийб 10 мингга яқин буклет тарқатилди. Маҳаллалар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим масканларида хотин-қизлар учун шифокорлар, психологлар, фаол аёллар, маслаҳатчилар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳамкор ташкилотлар билан бирга «Оилага кириш», «Саломатлик», «Таълим ва тарбия», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси», «Бандлик» каби секторлар фаолиятининг йўлга қўйилаётгани фарзандларимизни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, оила қуриш ва ҳаётга тайёрлаш, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ишини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

— Маҳалламизда ўн минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дейди Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзурахон Валиева. – Хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилоти, тиббиёт муассасаси, бандликка кўмаклашиш маркази, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани натижасида маҳалламиздаги 102 нафар меҳнатга лаёқатли фуқаронинг бандлигини таъминлашга эришилди.

Видеомулоқотда жойларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижобий иш тажрибасини оммалаштиришга оид истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

Таълим

# ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР САМАРАСИ

***Бугун юртимизнинг қайси гўшасига назар ташламанг, ўзига хос ободлик ва ўзгача файзу тароватнинг гувоҳи бўласиз.***

Барча соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам кўплаб ютуқларга эришилмоқда. Биргина Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицейида ҳам янги ўқув йили эришилган ўзига хос ютуқлар билан бошланди.

Янги ўқув йилига шай турган бир-биридан ёруғ ва чиройли хоналар, лицей ҳовлисида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари кўнгилларда ифтихор туйғусини уйғотади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки лицей жамоаси мустақиллигимизнинг 22 йиллигини муваффақиятли тарзда кутиб олди.

Масалан, кимё фани бўйича ўтказилган 47-халқаро олимпиадада лицейимиз ўқувчиси Камола Носированинг эришган ютуғи барчамизни қувонтирди. Ўқувчимиз ушбу билимлар беллашувида бронза медаль соҳибаси бўлди. Шунингдек, соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишлаб ўтказилган иншолар танловида лицейнинг 1-босқич ўқувчиси Муборак Ризақулованинг фахрли ўринлардан бирини эгаллагани бугунги давр ёшларининг ҳар томонлама дунёқараши кенг, фикрлари теран, илмга чанқоқ ва ижодкор эканига ишонч уйғотади. Ижодкор ўқувчимизнинг туркум шеърлари «Касбий фанлар методикаси» журналида ҳам эълон қилинди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки лицейда турли хил фан тўгараклари фаолият олиб боради. Бу машғулотларда ўқувчилар ўз билимларини мустаҳкамлаш баробарида фаннинг янги-янги ютуқларидан ҳам хабардор бўладилар.

Фан тўгаракларининг фаолиятида аниқ фанлар йўналишида таълим берувчи катта ўқитувчи Фотима Юсупованинг хизмати катта. У тўгарак фаоллари ёрдамида турли мавзуларда тадбирлар, давра суҳбатлари ва мушоиралар, «Заковат» интеллектуал ўйинлари ташкил этиб, ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Лицейимизда жисмоний тарбия ва спорт йўналишига ҳам катта эътибор қаратилган. Ушбу эътибор самараси ўлароқ, ўқувчимиз Нодирбек Абдусатторовнинг кўплаб ютуқларни қўлга киритганини эътироф этиш мумкин.

Жумладан, Нодирбек жорий йил февралида 1996 — 1997 йилларда таваллуд топган, (+90 кг) вазндаги ўсмирлар ўртасида дзюдо бўйича шаҳар чемпионатида фахрли 3-ўринни эгаллади ва диплом билан тақдирланди. Бундан ташқари у шу йилнинг 3-6 март кунлари Урганч шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, III даражали дипломни қўлга киритди.

Бу йилги шодиёналарнинг «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деб номланишида ҳам маъжозий маъно бор. Инсон, албатта, ўз Ватанида, туғилган гўшасидагина қадр топа олади. Ана шу қадрдон гўшага таянч бўлмоқлик эса ҳар бир кишининг инсоний бурчидир. Байрам ва шодиёналар ярашадиган бу гўзал юрт фарзанди бўлиш бахти ҳаммамизга насиб этсин.

**Соҳиба НУРАЛИЕВА,**
**Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицейнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари**
**Нодира БАРОТОВА,**
**она тили ва адабиёт фани катта ўқитувчиси**

**Спорт янгиликлари**

## ШАШКАЧИЛАРИМИЗ ГОЛЛАНДИЯДА

***Голландияда юз катакли шашка бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати мусобақалари бошланди.***

Унда курраи заминнинг кўплаб давлатларидан энг иқтидорли шашка усталари ғолиблик учун беллашишмоқда. Қувонарли жиҳати шундаки, ушбу спорт тури юртимизда жадаллик билан ривожланмоқда. Буни кейинги йилларда жаҳон ва қитъамиз миқёсидаги нуфузли турнирларда юртдошларимизнинг совринли ўринларни эгаллаб келаётгани исботлайди. Голландияда уюштирилган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндори Алишер Ортиқов етакчилигидаги шашка усталаридан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳимоя қилишмоқда.

***Самарқандда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақасига старт берилди.***

## БИРИНЧИЛИК БОШЛАНДИ

Ушбу мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган спортчилар совринли ўринлар учун муросасиз кураш олиб боришмоқда. Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон Кубогида омадини синаб кўраётган шаҳримиз спортчилари Тошкент денгизида тайёргарлик кўришган эди. Шунингдек, мусобақада ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар 25-29 сентябрда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ташкил этиладиган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлишади.

## БОШ МУРАББИЙ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

***Бразилияда 2014 йилда футбол бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири плей-офф баҳсларида Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштирок этганлиги барчага маълум.***

Бразилия йўлланмаси учун Иордания миллий терма жамоасига қарши майдонга тушган Миржалол Қосимов шогирдлари икки ўйин натижасига кўра муваффақиятсизликка учради. Ана шу баҳслардан сўнг бош мураббий Миржалол Қосимов истеъфога чиқди.

***Халқаро тоифадаги гроссмейстер, XVII жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг «Шахмат — сеҳрли олам» китобининг электрон варианти яратилиб, у «Zivo-Net» тармоғига узатилди.***

## БОЛАЖОНЛАРГА ТУҲФА

Ушбу китобнинг аҳамияти шундаки, у шахматни эндигина ўрганаётган ёшлар учун ўзига хос қўлланма вазифасини ўтайди. Чунки китобда ўзбекистонлик энг иқтидорли «ақл гимнастикаси» усталарининг эсда қоларли партиялари билан бирга жаҳон шахмат оламида ўзининг ажойиб ва сермазмун партиялари билан шуҳрат қозонган бир нечта гроссмейстерларнинг бетакрор ўйинлари ҳам ўрин эгаллаган. Бундан ташқари китобда шахмат ўйнашнинг қонун-қоидалари ҳам ушбу спорт турига қизиқаётганлар учун ўзига хос тарзда акс эттирилган.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**


Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА 12 НАФАР СПОРТЧИМИЗ ҚАТНАШАДИ

***Жорий йилнинг 16-22 сентябрь кунлари Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўтказиладиган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 12 нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.***

Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясидан олинган маълумотларга кўра, навбатдаги жаҳон чемпионатида 6 нафар полвонимиз эркин кураш бўйича ўтказиладиган мусобақаларда ғолиблик учун бел олишса, 5 нафар юртдошимиз юнон-рум кураши мусобақасида гиламга чиқади. Хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган беллашувларда Лилия Шокирова (59 кг) баҳсларда иштирок этади.

**Эркин кураш бўйича терма жамоамиз таркиби қуйидаги таркибдан иборат:** Нодир Сафаров (55 кг), Насибулло Қурбонов (60 кг), Руслан Плиев (66 кг), Рашид Қурбонов (74 кг), Заурбек Соҳиев (84 кг), Қурбон Қурбонов (120 кг). **Мураббийлар:** Александр Недорезов, Маъмуржон Рўзиев.

**Юнон-рум кураши бўйича терма жамоа таркиби:** Элмурод Тошмуродов (60 кг), Нурбек Холмуҳамматов (66 кг), Азизбек Муродов (74 кг), Рустам Ассакалов (84 кг), Суҳроб Фаттоев (96 кг). **Мураббийлар:** Равил Биктяков, Нельсон Давидян.

**Аёллар кураши:** Лилия Шакирова (59 кг). **Мураббий:** Аҳмед Кагарманов.

Жаҳон чемпионатига йўл оладиган Ўзбекистон делегацияси таркибидан, шунингдек, FILA инструктори Константин Михайлов, FILA ҳаками Тоҳир Ғуломов ҳамда терма жамоа шифокори Елена Абаева ўрин олишган.

**Ғанишер ТОҲИРОВ, «Туркистон-пресс»**

**Табиат неъматлари**

## АСАЛНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

***Асални ҳаёт шарбати дейдилар. Саховатли табиатнинг эҳсонларидан бири бўлмиш асалнинг нечоғли ширин, татимли ва шифобахш неъмат эканлигини баён этиб интиҳосига етиш қийин.***

Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино асалнинг хосиятларини санаб ўтган: у мижозни тозалайди, томир йўлини равон қилади, ҳўллик ва газакни шимдирувчи қуввати бор. У ҳўлликни ва газакни баданнинг чуқур ерларидан тортади, гўштни бузилишдан сақлайди, чиркли чуқур яраларни тозалайди. Асал кўз хиралигини кетказади. Асални танглай билан эзиб суртиш ва ғарғара қилиш бўғмадан халос этишга ёрдам беради, бодомча безларининг озорланишига қаршилик қилади. Суви меъдани кучайтиради, иштаҳага барака бериб, ҳазмни яхшилайди, аччиқтош билан муштаракликда темиратки азиятидан халос этади. Ибн Синонинг кўрсатишига қараганда, ёш навқиронликни сақлаш учун асал истеъмол қилиниши лозим. Унинг тавсиясига кўра, айниқса ёши 45 дан улуғ бўлган кишилар тез-тез асалдан истеъмол қилиб туришлари керак.

Сиҳат-саломатликни яхши сақлаш учун ҳар куни наҳорга асални сув билан аралаштириб ичиш лозим. Бунда ёмғир сувидан фойдаланиш янада яхши.

Асал сув билан ичилса қувватни оширади, ичак ва қовуқда мавжуд бўлувчи яраларни тузалиши ва тозаланишига ёрдам беради.

Аниқ маълумотларга қараганда, муттасил равишда оз-оздан асал истеъмол қилиб туриш юрак фаолиятини яхшилайди, одамнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, қон таркибини меъёрида ушлаб туради, гемоглобин салмоғини оширади, юрак-қон томир тонусини кўтариб туради.

Асал истеъмол қилиб туриладиган бўлса, одам организмининг иммунобиологик реактивлиги (яъни бир қатор хасталикларга нисбатан бардошлиги) ортади. Асал ташқи муолажа сифатида кўз яллиғланиши ва оқ тушишига хотима беради. Асал шарбати бурунга томизилса (тортилса), сурункали тумовдан фориғ бўлиш мумкин.

Маълумотларга қараганда, 1-2 ой мобайнида суткасига ўртача 70 граммдан асл асал истеъмол қилиб туриладиган бўлса, унда оғир юрак хасталикларига даво бўлиб, аҳволни бирмунча яхшилайди, қон таркибини меъёрлайди, гемоглобин миқдорининг ошишига мойиллик яратади, шунингдек, юрак-қон томир тизимлари тонусининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Асл асал бинойидек уйқу бағишловчи беозор неъмат ҳисобланади. Бир ош қошиқ асл асални бир стакан илиқ сувда эритиб, уйқу олдидан ичиладиган бўлса, унда тинимли, чуқур уйқу юзага келади.

Асал гўдак болалар учун ўта тўйимли неъмат ҳисобланади, айниқса она сути камлигида фойдали эканлиги билан ажралиб туради.

Асал ортиқча вазн мавжудлигида озиш учун мойиллик яратувчи неъмат сифатида қадрланади. Манбаларда қайд этилишича, озиш мақсадида қувватсиз (калориясиз) таомлар билан парҳез тутилганда одамга тўйганлик ҳиссини берувчи асалдан фойдаланиш мумкин. Немис парҳезчи шифокорлари кишини оздириш мақсадида озроқ миқдорда ёғсиз гўшт, пишлоқ, сабзавот ва мевалар берилиши билан бирга кунига 300-400 г асални мевалар ёхуд сув билан истеъмол қилишни тавсия этадилар. Бундай амал одамни фақат оздирибгина қолмасдан, балки жигар фаолиятини яхшилайди, танадаги ортиқча моддалардан қутулишга ёрдам беради.

**Маннон НАБИЕВ, доришунос олим**

## ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтларининг қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, «Ўзбекистон — Иордания» дўстлик жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги ва «Обод турмуш йили»га бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзусида тадбир ўтказилди.***

Унда хорижий давлатларнинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган элчихона ва ваколатхоналари, турли хорижий ҳамкор ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши фаоллари, ижодкорлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирнинг очилишида намойишга қўйилган республика «Ҳунарманд» уюшмаси томонидан тайёрланган халқ амалий санъати асарлари ҳамда «Вера» либослар кўргазмаси ташриф буюрган меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда ташкил қилинган давра суҳбатида сўзга чиққан Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши раиси Минҳожиддин Ҳожиматов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори, «Ўзбекистон — Иордания» дўстлик жамияти раиси Шуҳрат Қаюмов, Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Игорс Апокинс, Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Асрухинлар жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнини эгаллаган мустақил Ўзбекистоннинг бугунги кундаги ютуқлари, ижтимоий ҳаётимизда турли соҳаларда йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик алоқалари ва бу борада яратилаётган шарт-шароитлар, дўстлик жамиятларининг, халқ дипломатиясининг тараққиётга, тинчликни сақлашга, халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантиришга, бахтли келажакка хизмат қилаётгани ҳақида атрофлича фикр юритдилар.

Тадбирда Кенгаш қошида ташкил этилган «Ёшлик чашмалари» ансамблининг ёш хонандалари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари ижросидаги, кўтаринки руҳ бағишловчи, Ватан мадҳи, умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи қўшиқлар, раққосаларнинг гўзал рақслари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Тадбир сўнгида дўстлик жамиятлари фаоллари, ижодкорларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

***Давлатимиз томонидан сўнгги йилларда архив ишини янада такомиллаштириш ва уни халқаро даражага кўтариш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 2010 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги Қонуни, 2012 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда келгусида давлат архив хизматини аъло даражада ташкил этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.***

**Архивлар фаолиятидан**

## ҚИММАТЛИ МАНБАЛАР САҚЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви 1962 йилда ташкил қилинган бўлиб, унда бугунги кунга қадар 250 000 дан ортиқ йиғма жилдда 1925 йилдан буён йиғилган ҳужжатлар сақланади. Улар орасидан нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё бўйича илм-фан, техника, саноат, транспорт, алоқа, конструкторлик, ирригация, қишлоқ ва халқ хўжалиги, шунингдек, илмий-лойиҳавий ва тиббиёт соҳаларига тааллуқли маълумот ва ҳужжатлар ўрин олган. Шу билан бирга фан тармоқлари ривожига салмоқли ҳисса қўшган фан арбоблари, профессорларнинг шахсий ҳужжатлари ҳам шу архивда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатларни жамлаш, қабул қилиш, тартибга солиш, фондларга ажратиш, ҳужжатлар сақловини янада яхшилаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш архив ходимларининг асосий вазифалари ҳисобланади. Бу ишлар архивнинг асосий, яъни Давлат ҳисоби ва илмий ахборот аппарати бўлими, Ҳужжатларни жамлаш ва идоравий архивларда иш юритиш бўлими, Ҳужжатлар сақловини таъминлаш бўлими, Хўжалик ҳисобидаги бўлимларга юклатилгандир.

Архивда асосан 4 та йўналишда иш олиб борилади, булар тарихий аҳамиятга эга бўлган миллий архив фондига киритилган ҳужжатларни йиғиш, давлат сақловига қабул қилиш ва ҳисобини олиб бориш, ҳужжатларнинг сақловини таъминлаш улардан фойдаланиш кабилардир. Архивда сақланаётган нодир ва ноёб ҳужжатлар тиббиёт соҳаси ривожи ҳамда аҳолининг саломатлигини тиклаш мақсадида олиб борилаётган илмий ишлар, монография ва мақолалар учун муҳим манба сифатида хизмат қилади. Шунингдек, олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув даргоҳлари талабалари билан архив ишини янада ривожлантириш, ҳужжатларнинг талаб даражасида сақланиши, улардан оқилона фойдаланиш ва иш юритиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилади. Талабалар билан архивга экскурсия уюштирилиб, бу ерда сақланаётган ҳужжатлар, тарихий аҳамиятга эга бўлган ноёб ҳужжатларнинг илм-фан ривожида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида батафсил маълумотлар берилади. Архивга ташриф буюрувчи ўқувчи-талабалар, аспирантлар, докторантлар, қолаверса магистрлар учун барча қулайликлар мавжуд бўлиб, улар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишлари мумкин. Архивнинг илмий ходимлари томонидан мунтазам равишда ўқув даргоҳлари, илмий муассасалар, ташкилотларда учрашувлар, давра суҳбатлари ва кўргазмалар ташкил қилиниб, архив фаолияти ҳақида маълумот берилади.

Архивлар ўзига хос ахборот манбалари бўлиб, архив ҳужжатлари махсус тадқиқотларни талаб этади ва улар мутахассис, илмий ходимлар томонидан ўрганилиб, турли фанлар нуқтаи назаридан хулосалар чиқариш учун доимий сақланади.

Айни кунларда Архив ҳужжатларини асраш ва муҳофаза қилиш ҳамда тадқиқотчиларга қулайлик яратиш мақсадида ўта қимматли ҳужжатларни электрон шаклга ўтказиш ва шу асосда уларнинг суғурта фондларини яратиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

2008 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорни жорий этиш юзасидан «Ўзархив» агентлиги ва Марказий давлат архивлари раҳбар ва ходимлари Корея Республикасида бўлиб, Корея Миллий архиви иш фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзаро фикр алмашиб қайтдилар.

Юқоридаги қарор ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида бир қанча ишлар амалга оширилиб, жумладан, ҳужжатлар махсус дастур асосида электрон вариантга ўтказилмоқда. Бундан ташқари янги компьютер технологиялари, ҳужжатхоналарда ҳаво намлигини бир маромда ушлаб турувчи иситиш ва совутиш ускуналари, ҳужжатларни таъмирлаш учун реставрация ускуналари келтирилиб ўрнатиш ишлари олиб борилади.

Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насаби, ўзи туғилиб вояга етган ҳудуд, хулласки Ватанининг тарихини билишни истайди. Дарҳақиқат, насл-насабни ўрганиш илми бўлган генеалогия, шажаравий изланиш нафақат қадим тарихимизда, балки ҳозирги кунда ўта долзарблиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивида ўтмиш ва ҳозирги замон шажарасини ўрганиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилади.

Барчамизга маълумки, тарихий ҳужжатлар ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир. Шунинг учун ҳам уларни эҳтиёткорлик билан асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фуқаролик вазифамиздир. Ўтмишимиз ва ўзлигимизни англатувчи бу қимматли манбани келажак авлодга тўлиқ етказиш эса инсоний бурчимиздир.

**Азиза ТАШМУХАМЕДОВА, Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви илмий ходими**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **17 сентябрда** ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **17 сентябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағ миқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 941
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8841 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.15
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ